



International Journal for Innovative Engineering and Management Research

A Peer Reviewed Open Access International Journal

www.ijiemr.org

COPY RIGHT



ELSEVIER
SSRN

2020 IJIEMR. Personal use of this material is permitted. Permission from IJIEMR must be obtained for all other uses, in any current or future media, including reprinting/republishing this material for advertising or promotional purposes, creating new collective works, for resale or redistribution to servers or lists, or reuse of any copyrighted component of this work in other works. No Reprint should be done to this paper, all copy right is authenticated to Paper Authors

IJIEMR Transactions, online available on 22nd Dec 2020. Link

[:http://www.ijiemr.org/downloads.php?vol=Volume-09&issue=ISSUE-12](http://www.ijiemr.org/downloads.php?vol=Volume-09&issue=ISSUE-12)

DOI: 10.48047/IJIEMR/V09/I12/70

Title: FERULA TADSHIKORUM PIMENOV ПЛАНТАЦИЯ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Volume 09, Issue 12, Pages: 375-377

Paper Authors

Шарипов Абдуназар Эшқобил ўғли



USE THIS BARCODE TO ACCESS YOUR ONLINE PAPER

To Secure Your Paper As Per **UGC Guidelines** We Are Providing A Electronic Bar Code

FERULA TADSHIKORUM PIMENOV ПЛАНТАЦИЯ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Шарипов Абдуназар Эшқобил ўғли

Термиз давлат университети ботаника фани ўқитувчиси

Телефон:+998(94) 267 35 01

iqtidor1990@mail.ru

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси флорасидаги доривор ўсимликларнинг табиий захираларидан плантация ташкил этиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда *Ferula L.* турлари тўғрисида маълумот келтирилган.

Калит сўзлар: Худуд, доривор ўсимлик, табиий захира, *F. Tadshikorum*, плантация, флора.

Ўзбекистон Республикаси флорасидаги доривор ўсимликларни табиий захираларини бугунги кундаги замонавий ҳолатини баҳолаш ва хатловдан ўтказиш, ундан барқарор фойдаланиш, уларга биотик, абиотик ҳамда антропоген омиллар таъсирини ўрганиш, замонавий дастурларни қўллаш орқали плантациялар ташкил этиш мумкин бўлган худудларни белгилаш бугунги кундаги ресурсуноқ ботаник олимларнинг олдидаги далозарб вазифалардан ҳисобланади. Шу ўринда айрим доривор ўсимликларнинг плантацияларини ташкил этиш ва уларнинг хом ашёсини қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш ва экспорт қилиш мақсадида қатор қарорлар чиқарилди ва уларни қайта ишлаши учун фарм зоналар ташкил қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 мартдаги ПҚ-3617 қарори (Республикада каврак плантацияларини ташкил этиш ва уларнинг хом ашёсини қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда экспорт қилиш чора-тадбирлари тўғрисида), 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670 қарори (Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни

муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида) мисол бўлади.

Тадқиқотнинг мақсади. Сурхондарё вилоятида тарқалган Тоғжик коврагининг (*Ferula tadshikorum* Pimenov) табиий захираси ва биологиясини ўрганиш.

Тадқиқот материали ва усуллари. Бугунги кунда, флорадаги доривор ўсимликларни қайта ишлаш ва уларнинг маҳсулотларини экспорт қилиш иқтисодиётни кўтаришга хизмат қилмоқда. Мисол тариқасида 2019 йилда 48 млн АҚШ доллари қийматидаги қайта ишланган доривор ўсимликлардан олинган маҳсулотлар экспорт қилинган [3,9]. Бу қиймат йилдан йилга ортиши учун доривор ўсимликлардан оқилона фойдаланиш ёки уларни плантациялари ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу қийматни оширишда Тоғжик коврагининг *Ferula tadshikorum* Pimenov ўрни беқиёсдир.

Ferula tadshikorum Pimenov *Ferula L.* туркуми Ариасеае (Соябондошлар) оиласига мансуб бўлиб монокарп ўсимлик

хисобланади. Коврак туркуми *Apiaceae* оиласининг нисбатан йирик ва полиморф туркумларидан бири бўлиб, 180-185 турни ўз ичига олади, шундан 130 га яқин тури Марказий Осиёда тарқалган бўлиб, 100 тур эндем мақомига эгадир [2,3,4,9]. Туркум турларининг умумий тарқалишига кўра, Марказий ва Жануби-ғарбий Осиё, Шимолий Африка, Узоқ Шарқ, Эрон, Афғонистон, Покистон, Хитой Ҳиндистон ва Ўрта Ер денгизиде атрофларида тарқалган бўлиб, турлар хилма хиллиги юқори бўлган минтақа Марказий Осиёга эътироф этилади (Xiang-Guang Ma et al., 2019, Pimenov and Leonov 2004). Асосан, текислик, адир ва тоғ олди ва тоғ минтақаларида кумли, тошли, шағалли, майда тошли ва ола жинсли қизил ва қулранг кум тупроқли ёнбағирликларда ўсади [1,3,9]. Ўрта Осиё, жумладан, жанубий Помир Олойда турлар асосан шибляк ва арчазор флороценотпларида кенг тарқалган (Камелин, 1973). Юртимизда маҳаллий аҳоли туркум турларини сассиқ коврак, роба, улжон коврак, равшак, камол, мўрча камол, чайир, оқ чайир, оқ коврак ва бошқа номлар билан аташади.

Республикада каврак плантациялари маҳаллий ҳалқ томонидан Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах ва Тошкент вилоятларида амалга оширилмоқда. Плантацияларда асосан *F. tadshikorum* кўпайтирилмоқда. Турдан ажратиб олинган смола ҳалқ табобатида томир тортиши, ўпка сили, камқонлик, ўлат, захм, кўк йўтал, тиш оғриғи, асаб ва бошқа касалликларни даволаш учун шу билан бирга қувват берувчи, балғам кўчирувчи ва гижжа ҳайдовчи дори сифатида қўлланилади. Сурхондарё вилоятида болалар ногиронлиги

сабаблари ичида асаб тизими касалликлари 31,7% кўрсаткич билан биринчи ўринни эгаллайди [1,6,8,9], шунингдек, вилоятда яшовчи 14 ёшгача бўлган болаларда энтеробиоз, аскаридоз, гименолепидоз билан рўйхатга олинган болалар сони 83,4% ни ташкил этади [5,6]. Айниқса Сариосиё, Узун ва Денов туманларида экологик вазиятнинг кескин ёмонлашиши оқибатида болалар ва катта ёшли аҳолининг патологик бузилишлар такрорланиши бўйича касалланиш даражаси вилоятдаги ўртача кўрсаткичдан 3 баробар юқоридир [7]. Бу эса мазкур турга бўлган талабнинг йилдан йилга ортиб бораётганлигини кўрсатади, аммо шунга қарамасдан бугунги кунда бу ўсимлик турининг табиий захираси анча камайганлигини кўриш мумкин. Бунинг асосий сабабларидан бири смоласи анча қимматлиги, чет эллардан талабнинг юқорилиги ва дориворлиги билан изоҳланади. Қора бозорда ўсимликдан олинган 1 кг ширанинг таннархи 80-100 100 АҚШ доллар туради.

Ҳозирга қадар, юртимизда ушбу турни биологик хусусиятларини ўрганиш борасида мақсадли тадқиқотлар олиб борилмаган. Тур устидаги ягона тадқиқот иши Х.С. Рахмонов томонидан “Биология и ресурсы *Ferula tadshikorum* М. Pimen. в южном Таджикистане” мавзусида олиб борилган. Ушбу тадқиқот ишидан андоза олган Ўзбекистондаги табиий захираси, унинг биоэкологик хусусиятлари ва замонавий дастурларни қўллаш орқали плантациялар ташкил этилиши мумкин бўлган майдонлар аниқлаш ишларини олиб бориш мақсад қилинган. Режалаштирилган ишлар амалга оширилса, турнинг табиий популяциялари яна тикланади, экспорт қилиш учун учун

махсулот кўлами ортади ва иқтисодиёт тармоғи учун қисман бўлса ҳам ёрдам бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, вилоятлар коврак етиштириш учун қулай иқлим шароити мавжудлиги, кам сарфли экинлиги боис плантациялар ташкил қилиб, мавжудларини янада кенгайтириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Табиий ҳудудларда ўсувчи ковракни эса асраб-авайлаш, йўқолиб кетишига йўл қўймастик ҳам долзарб масаладир. Энг муҳими, коврак етиштириш, қайта ишлаш ва уни ривожлантириш орқали янги ишчи ўринларни иқтисодиётга ижобий самара беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Begmatov A.M., Rahmatova M.U. "Bioecological features of *Glycyrrhiza* L." // Modern research and development, no. 3 (20). Moscow, 2018. –S. 110-113.
2. Begmatov A. M., Rakmatova M.U. Bioecological properties of *Helianthus tuberosus* in introduction Conditions. The American Journal of Agriculture and Boimedical Engineering. Volume 2 Issue 11, 2020. -P. 82-85.
3. Begmatov A. M., Sattarov A.S. Bioecological properties of *Stevia rebaudiana* Bertoni in introduction conditions. The American Journal of Agriculture and Boimedical Engineering. Volume 2 Issue 10, 2020. -P. 63-68.
4. Jalilov J.J. Reasons and indicators of childhood disability in Surkhandarya region // Infection, immunity and pharmacology // P.d. 2020. I.4. P. 71-78.
5. Jalilov J.J. The role of medical workers and stringing centers in preventing the birth of children with disabilities in the Surkhandarya region // New day in medicine // International scientific journal 2019.26.12. P. 28-32.
6. Jalilov J.J., Rahmatova M.U., Khudoyberdieva S.A., Aliev Z. Z. Indications And Causes Of Helminthosis In Children (On Materials Of Surkhandarya Region) // The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research. Vol 2. P 76-81.
- Коровин Е.П. Род *Ferula* L. // Флора СССР. Изд. АН СССР. М. – Л. 1951.Т.
7. Sattarov A.S., Begmatov A. M. Bioecology of *melissa officinalis* plant In Introduction conditions. The American Journal of Agriculture and Boimedical Engineering. Volume 2 Issue 10, 2020. -P. 69-73.
8. Sherqulova J.P., Mustafaev I.M., Iminova M.M., Sattarov A.S. Species, host range and geographical distribution of microfungi (dothideomycetes) on introduced trees and shrubs in southern Uzbekistan. Iranian journal of botany, 25 (1), 2019. DQI; 10.22092. ijb.2019.115956.1187. –P. 72-77.
9. Тургинов О.Т, Жамалова Д.Н, Батошов А.Р. Ўзбекистон флораси эндеми бўлган *Ferula* L. (Ариасеае) турлари Нам. ДУ илмий ахборотномаси 2019 йил № 2-сон Б.46-56.